

## ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ

-Никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталикни белгилаш ота ва онаси (агар отаси вояга етмаган ҳисобланса, унда унинг ота-онаси ёки қонуний вакили) томонидан ФХДЁ органига биргаликда берилган аризаси асосида амалга оширилади.

-Оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини қайд этган ФХДЁ органига берилади.

-Оталикни ишончнома бўйича белгилашга йўл қўйилмайди.

Агар оталик боланинг туғилганлиги қайд этилгандан сўнг белгиланса оталикни белгилаш ҳақидаги аризага ёки суднинг ушбу масала юзасидан қарорига боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси илова қилинади.

-10 ёшга тўлган болага нисбатан оталик унинг розилиги билан белгиланади. Бунда боланинг розилиги ота-онаси томонидан берилган аризада унинг шахсий имзоси билан ифодаланади.

ФХДЁ органи оталикни белгилаш ҳақидаги ариза асосида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига тегишли ўзгартиришлар киритади.

-Агар боланинг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзуви МДХ давлатларида қайд этилган бўлса, у ҳолда оталикни белгилаш ҳақидаги ариза ёки ушбу масала бўйича суд қарори (рус тилидаги таржимаси билан), туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома билан бирга тегишли ФХДЁ органига юборилади.

-16 ёшгача бўлган болага оталикни белгилашда далолатнома ёзувларига ўзгартириш киритиш қоидалари қўлланилиши мумкин, яъни боланинг фақат фамилияси ва ота исми эмас, балки исми ҳам ўзгартирилиши мумкин.